


ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган


ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ №№ 251-252 (10.556-10.557) 2005 ЙИЛ 30 ДЕКАБРЬ



Юртимизда Янги йил байрами кунлари ўтказиладиган «Президент арчаси» томошалари болажонларимиз учун серзавқ ва кувончли шодийнага айланган. Бунда ўғил-қизларга Юртбошимиз номидан совға-саломлар топширилади, Янги йил айёмига бағишланган қизиқарли сахна асарлари, куй-қўшиқлар, рақс ва томошалар намойиш этилади.

«ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ» ТОМОШАЛАРИ БОШЛАНДИ

Кичкинтойларнинг бу йилги байрам томошалари пойтахтимизнинг «Туркистон» саройидан бошланди. У Ўзбекистон Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, «Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси, Республика «Махалла» хайрия жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзбексавдо» акционерлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унга пойтахтимиздаги барча меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари, серфарзанд, эҳтиёжманд оилалар фарзандлари таклиф этилди.



Тантананда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлодни пухта билимли, соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишидан бирига айланган алоҳида таъкидланди. Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилаётган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури бунинг яна бир ёрқин исботидир. Мазкур ҳужжатга кўра юртимизда кўплаб янги билим маканлари бунёд этилмоқда, мавжудлари тубдан қайта таъмирланмоқда, замонавий жиҳоз ва техник ускуналар билан таъминланмоқда. Таълим жараёнига илгор педагогик технологиялар жорий этилиб, таъмирланган давлат таълим стандартлари асосида ўқув дастурлари ва дарсликлар яратилмоқда. Бундай эзгу юмушларда турли вазирлик ва идоралар, воқеасалар, жамғармалар билан бирга ҳимий ташкилотларнинг ҳам муносиб ҳиссалари борлиги қувонарлидир. Айни пайтда кириб келаётган 2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йилида хайри ишлар кўлами ва миқёси янада кенгайишга шубҳа йўқ.

...Муסיқа янграб, Қорбобо билан Қорқиз кириб келади. Саҳналаштирилган эртак қаҳрамонлари эса кичкинтойларни гўё бутунлай сеҳрлаб олади. Қизиқарли спектакль болалар муносиб жоюалари, санъат усталари, ёш ижроичилар ҳамда цирк усталарининг байрам дастурига уланиб кетади. Байрамнинг ўзига хос рамзига айланган «Президент арчаси» қўшиғи ёш томошабинлару санъаткорлар ижросида жўр бўлиб куйланади.

Томошалар якунида болаларга давлатимиз раҳбари номидан совғалар берилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

«Президент арчаси» томошалари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда давом этмоқда.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ҚУРБОН ҲАЙТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаёти, фуқароларнинг ҳамжихатлиги ва меҳр-оқибатини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний байрам - Қурбон ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш ҳақида»ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармониға мувофиқ:

1. 2006 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи кунини 10 январга тўри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини инобатга олиб, 2006 йил 10 январь дам олиш кунини деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутаассад идора ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва оқори даражада ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 29 декабрь

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирлик, идора, компания, уюшма ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда 2005 йилда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, мувофиқлаштирувчи кенгашнинг жорий йил режасининг ижроси ва 2006 йилги режа лойиҳаси муҳокама қилинди, 2005 йилнинг 16-18 ноябрь кунлари Тунисда бўлиб ўтган Ахборот ҳамжамияти бўйича жаҳон саммитининг 2-босқичида Ўзбекистон делегациясининг иштироки тўғрисидаги ҳисобот тинланди.

Шу билан бирга, 2005 йилда қабул қилинган асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тўловлар тўғрисида»ги қонуни қўриб чиқилди. Қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ва идоравий ҳужжатлар тўғрисида ахборот берилди.

Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2005 йил режасининг ижроси натижалари батафсил таҳлил қилинди, айрим бандларнинг бажарилмагани сабабларига алоҳида эътибор қаратилди, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига кенгаш топшириқлари бажарилмай қолишига йўл қўйиб бўлмаслиги алоҳида уқтирилди.

Йиғилишда вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлигига ҳукуматимизнинг 2005 йил 22 ноябрдаги ахборотлаштириш соҳасида меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисидаги қарорида белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш юзасидан топшириқлар берилди.

Ахборот технологиялари ва электрон ҳужжат айланишини қўллаш, 2010 йилгача Интернет тармоғида ахборот ресурсларини шакллантириш ҳамда мунтазам янгилашга доир тадбирлар режасида кўзда тутилган дастурларнинг ўз вақтида ишлаб чиқилиши ҳамда бажарилиши лозимлигига эътибор қаратилди.

ЎЗА

XXI сағоси ХАҲР

Барча навбалардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

• Кеча Тошкентдаги Халқаро бизнес марказида Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислам Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича қўшма Вазирлар комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар марказида юртимизнинг йирик олимлари, профессор-ўқитувчилар, ёш тадқиқотчилар иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йилги давлат стипендиатларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

• Қорақалпоғистон Республикаси унчини қаирик Жўқорғи Кенгесининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди.

• Беруний туманидаги «Пахта тозалаш заводи» акционерлик жамиятида хориз технологияси асосида урулгик чигитни туқсизлантирадиган ва зараркундаларга қарши ишлов берадиган янги цех иш бошлади. Бу ерда соатига 1 тонна чигит туқсизлантирилиб, жатон андозалари даражасида қайта ишланади.

• Бухоро шаҳридаги 35-мактаб «Йилнинг энг яхши мактаби» кўрик-танловининг вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллаб, 2006 йилда танловнинг мамлакат босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

• Томди туманидаги «Аёққудук» хўжалиги чўпонлари этиштирган қоракўл терилари Тошкентдаги «Олтин мўйна» хусусий қорхонасида қайта ишланади, Филлиндиядаги жаҳон бозорига сотиладиган бўлди.

Жаҳонда

• Венесуэла Президенти Уго Чавес Янги йил олдидан халқига мурожаат этар экан, янги тузилган махсус дастурга кўра мамлакатдаги қашшоқликни 15 йил ичида бартараф этишга ваъда берди.

• Москвада Россия ва Украина ўртасида газ масаласига бағишланган келишувлар самарасиз аяқланди. Ҳозирда музокараларда бир неча кунлик танаффус эълон қилинган.

• Австриянинг Зальцбург шаҳри машҳур композитор Моцарتنинг 250 йиллик юбилейи тантаналарининг маркази бўлади. Ушбу шаҳарда 2006 йил давомида 260 та концерт ташкил этилиб, буюк композиторнинг барча 22 та операси янграйди.

• Малайзияда шахсини тасдиқловчи миллий уғвоҳномаларни замонавий нусхаларига алмаштириш чоғида ногаҳон ер қурра-сидаги энг кекса инсон топилди. У Малайзиядаги Тренгану штатида яшовчи 130 ёшли София Юсофдир.

ПОЙТАХТНИНГ ДИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА

• БУГҮН «Катта Дўмбиро-бод», «Кичик Дўмбиро-бод», «Нак-қошлик», «Кичик Хирмонтена», «Маданият», «Хирмонтена» маҳаллалари ёшлари, кичкинтойлар

иштирокида ўтказилган тадбир «Камолот» ЕИХ Чилонзор туман бўлими Кенгаши томонидан уюштирилди.

• БУГҮН Сергели туманидаги ҳарбий қисмда «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ЕИХ туман бўлимида хамкорликларид аскарлар иштирокида уюштирилган интеллектуал уйин «Кувноқлар ва зукколар» деб номланди.

• БУГҮН Учтепа туманидаги Ал-Соғуний, Ал-Хоразмий, «Кат-


та Каъни», «Нуробод» маҳаллаларида «Камолот»дан Янги йил билан» лойиҳаси доирасида Янги йил байрами тадбири уюштирилди, Қорбобо ва Қорқиз томонидан совғалар улашилди.

• БУГҮН Сергели туманидаги «Иттифок» маҳалласида фаллар ва ёшлар иштирокида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш мамлакат-

ни модернизация ва ислоҳ этишдир» мавзусида тадбир ўтказилди.

• БУГҮН Тошкент политехника касб-хунар коллежида Янги йил муносабати билан ўтказилган тадбир «Маънавият ва маърифат» марказининг Миробод туман бўлими ташаббуси билан ташкил этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
муҳбирларимиз
хабарларидан.



БУНЁДКОР ҚЎЛЛАР ТОЛМАСИН

Янги асримизнинг бешинчи йили 2005 йил нихоясига етмоқда. Ҳамма жойда йил — ўн икки ой сарҳисоби қилинмоқда.

Халқимизнинг доно ҳикмати бор: орқангга қараб таъзим қил! Шу маънода барча ватақдошларимиз қатори давлатимиз остонаси, пойтахт аҳли — тошкентликларнинг кузатилаётган йилдан миннатдор бўлишлари учун ҳамма асослари бор. Бугунги таҳликали дунёдаги чигал ва зиддиятли муаммоларга қарамасдан юртимиздаги барқарор тинчлик ва оқойишчилик, аҳиллик ва жиғислик, мақсадлар муштараклигини йилимизнинг энг улуг ютуғи, дея оламиз.

Агар тақвими бирин-кетин варақлаб, ўтган кунларимизни мамлакатимиз ва шаҳримизда рўй берган воқеаларни ёддан ўтказасак, қутлуғ мақсад сarti яна бир, ҳеч муволағасиз салмоқли одим ташланганлигига тўла йймон келтиришга ҳақимиз.

Биргина бунёдкорлик ишлари қўламларини тасаввур қилиб кўринг-а! Йил бошида Эски шаҳарда бульдозерлар умрини аллақачон ўтаб бўлган, нураб кетган, кўримсиз, кингир-кийишқил қулбаларни текислашга кирганида пойтахт киндиги ҳисобланган маъмур муқаддас макон жуда қисқа муддат ичида қандай қиёфа қасб этлишини аслида лойиҳалар орқалигина англаб олиниши мумкин эди. Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги шодийналарини кунда эса пойтахтлик қурувчилар, йўлсозлар, муҳандису техниклар, кукаламзортирувчилар — бир сўз билан айтганда бунёдкорлар меҳнати, истеъдоди, фидойилиги ила оқ қорғоз чизмаларидаги манзаралар гўё мўъжиза рўй бергандек кўзни чаққатадиган, дилни яйратадиган воқелика айланди.

Ўз пайтида, пойтахт Эски шаҳар қисmini ободонлаштиришга қўл урилган вақтда Сағбон, Қорасарой, Форобий кўчалари тубдан қайта тасмирланганидан сўнг кўнчилик ўз мавзёларини танимай қолганлигини эътироф этган эдилар. Бугун эса Эски шаҳар Истиқлол шарафати билан том маънода иккинчи ёшлигини бошидан кечирмоқда. Унинг қўқ маркази — Сағбон, Зарқайнар, Абдулла Қодирий кўчалари кесилган жойи неча ўнлаб йиллар давомида пастқам, томлари бир-бирига ўлашиб кетган янч, димққан ертўласимон сифат кегаги кун вуйилдирилган улоқтириб, офтобруй ам-яшил кенгликларда кўксини кериб, тўйиб-тўйиб нафас олаётганлигидан ҳам ёшариб, ҳам яшайб кетган нақвирон дийёрга айланди-қолди.


Эски шаҳарликлар, бутун тошкентликларнинг дусони олан бу ўта хайри бунёдкорлик ишларининг ташаббускори, раҳнамоси Шубошимиз эканлиги ҳаммага равшан. Бевосита Президентнинг кўрсатмалари асосида Эски шаҳарда энг замонавий машина-қўшналар билан жиҳозланган корхоналар очилмоқда. «Истеъдод» ёшлар маркази, стадионлар, поликлиника ва маҳалла гузарлари, болалар боғча ва маиший хизмат шохбчалари, маросимлар уйлари, маънавий ва маърифат масканлари барпо этилган. Бу жойли аҳоли учун жуда қадрдон Абдулла Қодирий номли маданият ва истироҳат боғини тубдан таъмирлаш бевосита шу йил нихоясига етказилиб, у яшил майсазорларга бурканди, эски шаҳарликларни ўз бағрига чорлади. Бир неча ойлариинг ўзида шу ерда миллий мейморчилигимиз аънаналари намунасидек қад ростилган Болалар ижодийети уйи ва ўзбек либослари галереяси Эски Жўва кўчасига ўзгача кўрк берди. Замонавий «Зарқайнар» супермаркети ҳам хизмат кўрсатишга киришди.

Бугунги кунда Тошкентдек «миллионер» шаҳри азиямлардагина эмас, аҳлиси бир неча бор кам бўлган шаҳарларда ҳам транспорт қатновси ўта жиддий ва ўткир муаммага айлангани ҳеч кимга сир эмас. Бундай шаҳарлар кўчаларида пийда мисол имилаётган турнақатор машиналар узоқни енгил қилишлари ўрнига аслида асабни таранглатириётган, буржситиб чиқараётган тузуллар эса ҳамма ёқни қуондек қоғлаб, нафас олишни амри-маҳол қилаётганлигининг гувоҳи булар экансиз «тараққийёт меваларининг гоят аччиқ, «истеъмолга захарли» бўлиши мумкинлигини туйсиз.

Шу ҳақда мулоҳаза юритилганда пойтахтимизда кўчаларни кенгайтириш, транспорт ҳаракатини енгиллаштирадиган кўприклар қурилишига берилётган эътибор нақадар муҳимлиги таҳсилларга лойиқ. Мустақиллик йилларида шаҳримизда қайта таъмирланиб, кенг ва раvon магистралларга айланттирилган

кўчаларнинг узунлиги 1000 километрдан ортибди! Ана шу замонавий қўллагали йўлларнинг километр эмас, балки ҳар бир метри қанча маблаг талаб этиши назарда тутилса йўлсозлик қўламлари теранроқ англанади.

Бу йил ҳам Эски шаҳарда, шунингдек Усмон Носир кўчасидан Сергели тумани, Қўйлик ва Отчопар бозорлари томон элтвучи йўллар кесилган жойда 49 метрли кўприк, жуда кенг, раvon магистраллар барпо этилди. Ҳозирги вақтда улар бўйлаб елиб бораётган автомобиллар ҳайдовчилари ҳам, йўловчилар ҳам жаҳоннинг энг машҳур, машиналар бетўхтов жадал ела



олишига мўлжалланган автобанлардан асло қолишмаслигига ўзлари гувоҳдилар. Аммо бу қанча маблаг, қанча меҳнат, ирода талаб қилганлиги доимо ҳам ёдга олинавермайди.

Яна бир янгилик — йил бошида пойтахт марказида, Ўзбекистон кўчасининг Бадиий академиянинг Кўргазмалар залидан бошланувчи қисми ўқиб тўғрилиниб, бу ер атрофи ҳам қўқамлашорлаштирилиши учун ҳам қанчалик тер тўқилгани?! Шаҳарнинг ўзига хос «юкчалари» ҳисобланган бундай майсазор майдонлари тобора кенгайиб бораётгани гоят қувонарлидир. Бу йил Алишер Навоий номидаги Миллий боғ ана шундай қилин-ёзин қўқ-қўқ яшайб турадиган майсазорлар билан кўркамлашди. Боққа қираверишдаги шарқона нақшнор пештоқ, беш гўмбазли маҳобатли дарвоза, мармар билан қопланган 12 устун Бешёғоч чиройига ўн чандон ҳусн қўшди. Азалдан тошкентликларнинг ёз жазирасида хордиқ чиқарадиган бу севимли макани амалга оширилган жуда қатъий ободончилик ишлари турфайли эндиликда доимо зилпол ҳолатда бўладиган суви, болакайлар яйрайдиган аттракционлари-ю темир йўли, спорт билан ошно бўлганлар учун футбол, волейбол, енгил атлетика майдончалари, теннис кортлари билан уларни ўзига оҳанграбодек тортиши мўқаррар.

Истиқлол байрами арафасида қўли гул усталаримиз Мустақиллик майдонига қираверишда барпо этган Эзулик аркасининг ҳам бунёдкорлик ишлари рўйхатидан муносиб ўрин олиши шубҳасиз. Бу 16 устун бириштириб турган арка салоҳати, парвозга талпинаётган лайлақлардек нафис ва гўзаллиги, енгиллиги билан сизни мафтун этади, хаёлан эзгулик сари етказлайди. Арка устидаги оппоқ куллардан нухса олган ҳарир либослардаги келинлар ва кўвлар худди шу ердан ўз мустақил ҳаётлариға, келажакларига рамзий қадам қўядилар. Ана шу онларда ёшлар қалбини яшиллик, гўзаллик, юртни обод ва кўчма қилиш, бахтли турмуш кечирish нозик тўйғулари ром этиши табиий. Тошкент марказий темир йўл вокзали янги кийфа кашф этаётганлиги, Маннон Уйғур номидаги санъат институти талабалари янги ўқув йилларини Мирношхў кўчасидаги янги бинолар мажмуасида бошлаганлиги... Умуман, яқунлабган йилда қанчадан-қанча мактаблар, академик лицейлар ва касб-хўнар коллежлари тубдан таъмирланганлиги, жиҳозланганлиги, янги даволаш муассасалари, спорт-соғломлаштириш мажмуалари, гузарлари ва маросимлар уйлари барпо этилганлигини санаб охирига етиш қийин.

Тошкентнинг иқтисодий салоҳияти энг замонавий техника

билан жиҳозланган, янги технологияларга асосланган, маҳаллий хом-ашё ҳисобидан жаҳон бозорида рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар ҳисоби тобора ортаётганлиги ҳам нихоятда диққатга сазовордир. Шу йилнинг ўзида пойтахтда пахта толасини қайта ишлаб трикотаж ва тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлайдиган бир йўла учта корхона иш бошлади. Улардан энг йириги — «Байтекс тижарет» корхонасидир. Туркиянинг «Улгаш антегра текстиль» ва «Баха текстиль» компаниялари маъмур корхона биринчи босқичининг ўзига 25 миллион АҚШ доллари миқдориде сармоя сарфладилар. Бу ерда Германия Федератив Республикасининг «Террот», «Брюкнер», «Тисс», «Эм-Си-Эс», Япониянинг «Жуки» компанияларининг муқаммал дастгоҳлари ўрнатилди. Корхона ҳар қуни газлама тўқиш, пардозлаш, бўйлаш, қуритиш ҳамда 45 миинг донэ трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш қувватига эга. У 800 тўқимачини иш билан таъминлади. Эътиборли томони бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан ҳар йили 26 миллион долларлиги чет элларга экспорт қилинади. «Байтекс тижарет» тўла лойиқа ҳужумати билан ишлаб бошлаган эса маҳсулот ва экспорт ҳажми ҳам, иш ўринлари сони ҳам икки бараварга ортади. Қоратошда эса Швейцариянинг «Зеромакс» фирмаси томонидан «Муруваттекс» корхонаси ишга туширилди. Бу ерда ҳозир йилига 2,5 миллион донэ тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Бугунги кунда корхонада 240 киши иш билан таъминланган бўлса, у тўла қувват билан ишлаб бошлаган маъмур кўрсаткич 650 кишига етади.

«Демир Метал Гида Тижарет ва Сан» компаниялари ҳам 17,6 миллион доллар сармоя кириштириб, «Ай-Демир Текстиль» корхонасини ишга туширдилар. Бу ерда йилига 10 миллион донэ пайпоқ ва 5 миллион донэ трикотаж маҳсулотлари тайёрланади. Корхонанинги йиллик экспорт ҳажми 50 миллион долларни ташкил этиши кўзда тутилган.

Шу кунларда республикамиз санюатининг етакчиларидан ҳисобланган Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасидаги улкан ўзгаришлар иқтисодий-тимиздаги юксалишининг ёрқин куришинини акс эттирмоқда. Бирлашмада сўнги йиллар мобайнида биринчи бор қўшмача 2500 нафар ишчи-хизматчи ишга қабул қилинмоқда. Маълумки, бу йил тошкентлик авиасозлар жаҳон андозаларига тўла мос келадиган «Ил-76 ТД 90 ВД» самолётини ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Улар қўшмача давлатлардан янги самолётларга бюртмалар олганлар. Бу кўп жиҳатдан Ўзбекистон ва Россия авиасозлари ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг самарасидир.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси турфайли Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттиқдорчилик муносабатларининг ўрнатилиши икки томонлама ҳамкорлиқни сифат жиҳатидан янги даражага кўтарди.

Яқиндагина Тошкент сўт заводи неғизда Россиянинг «Вимм-Билль-Данн» кондерни бир кеча-кундузда 69 тонна сўт, қатик, рижена, творог, пилшқ, йогурт ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Қисқа вақт ичида корхона қувватини бир кеча-кундузда 150 тонна сўт маҳсулотлари тайёрлашга етказиш кўзда тутилган.

«Тошқилоқмаш», «Тошкент агрегат заводи» очик акциядорлик жамиятларида ҳам ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда. Яқин вақт ичида республикамизда «Алтайский трактор» корхонасининг йиғув чежини ишга тушириш режаланган. Бизда Чебоксар трактор заводи ҳам ўз қувватларини очик ҳаракатида. Сергелида эса Буюк Британия билан ҳамкорликда мева шарбати ишлаб чиқарадиган «Интерсоп» маҳсулот бера бошлади...

Биз юқориде келтирган халқ ҳикмати тўла ҳолда «Орқангга қараб таъзим қил, олдингга қараб енг шимар» дейилди. Ҳа, биз кузатаётган йилимизга таъзим бажо келтириш билан бир қаторда олдинда турган марраларни ҳам чамалаб олишимизда даркор. Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги кенг нишонланадиган янги 2006 йилда астойдил қайрат қилишга ишловчи бунёдкорлик режалари катта. Пойтахтимиз янада чирой очили, жаҳоннинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланиши учун янги-янги бинолар, кўчалар, боғлар бунёд этилади. Биргина 2004-2009 йилларга мўлжалланган дастурга мувофиқ шаҳарда ўнлаб янги мактаблар қурилиши, тубдан таъмирланиши ва жиҳозланиши керак.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинган янги йилда соғлиқни сақлаш тизimini ислоҳ қилишга республика бюджетидан 93 миллиард сўм ажратилмоқда. Бошқа соҳалардаги режалар ҳам улкан. Ана шу марралар забт этилиши учун бунёдкор қўллар асло толмасин!

Эркин ЭРНАЗАРОВ

Азиз ва муҳтарам ҳамюртларимиз!

**Барчангизни дилимизга энг яхши орзу
ва тилаклар ҳадя этиб кириб келаётган**

2006 ЙИЛ БАЙРАМИ БИЛАН

қизгин муборакбод этамиз!

Ҳар бир меҳнат жамоасининг халқимиз

фаровонлиги, юртимиз ободлиги

йўлида олиб бораётган эзгу ишлари

Янги йилда янада ривож топсин.

Кириб келаётган Янги йил

ҳар бир хонадонга тўкин-сочинлик,

меҳр-оқибат, кўт-барака

олиб келсин!



**Сизларни йил бўйи байрам кайфияти
тарк этмаслигини тилаб**

«MUKHLISA QIZ»

хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси жамоаси.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ

Республикамиз пойтахтининг жамиятимиз
ривожига ўз ҳиссасини қўшаётган барча
меҳнаткашларини кириб келаётган

Янги - 2006 йил

билан энг эзгу тилаклар ила самимий табриклайди!

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида хонадонларимиздан
файзу барака, тўкин-сочинлик аримасин,
барчамиз соғ-саломат бўлайлик.

Қутлуғ йилда саховатпеша инсонларнинг дилидаги
орзулари ушалаверсин.

Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлидаги
фаолиятимиз қувончли онлару зафарларга
тўлиқ бўлсин!

Қўтиловлар

ЎЗБЕКИСТОН — ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИМИЗ

Януш ВАВЖИНЮК,
Польша Республикасининг
Ўзбекистондаги муваққат иш-
лар вакили:

— Польша халқи ва ҳукумати но-
мидан серкуёш Ўзбекистон халқи-
ни кириб келаётган Янги йил билан
чин қалбимдан табриклаб, барча-
гага тинчлик, мустаҳкам соғлик,
фаолиятларида улкан муваффақият-
лар, шахсий ҳаётларида бахт-саодат
ва фаровонлик тилайман.

Меҳмондўст ва меҳнатсевар
Ўзбек халқининг дунё ҳамжамияти-
да ўз муносиби ўрнига эга бўлишига
ишончим комил.

Республика мустақиллигини янада
мустаҳкамлаш, сиёсий ва иқтисодий
ўзгаришларнинг давом эттирилиши,
фуқаролик жамиятининг демократик
институтлари ривож топиши йўлида
улкан зафарлар тилайман.

Ўзбекистон Польшанинг Марказий
Осиёдаги муҳим ва ишончли ҳамкори
ҳисобланади. Шу ўринда минтақавий
ва глобал ҳавфсизлик,

жумладан терроризм, уюшган жи-
ноятчилик, ноқонуний миграция,
гиёванд моддалар ва курол-яроғ
савдосига қарши кураш масалалари
бўйича ҳамкорлики алоҳида таъкидлаб
ўтмоқчиман.

2006 йилда ҳам биргаликдаги
саъй-ҳаракатларимиз натижаси
ўлароқ давлатларимиз ва халқларимиз
истикболи йўлидаги ўзаро манфаатли
ҳамкорлик ришталари мустаҳкамланиб
янада ривожланиб бораверади.

БИЗНИ ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИ БОҒЛАЙДИ

Фуломжон МИРЗОЕВ,
Тожикистон Республикаси-
нинг Ўзбекистондаги Фавқулод-
да ва Мухтор элчиси:

— "Оқшом" газеталари орқали
барча ўзбекистонликларни ва хусусан
пойтахт аҳлини кириб келаётган
Янги, 2006 йил билан чин юракдан
қутлайман.

Ўзбекистон менинг Ватанимга
энг яқин ўлка, Тошкент эса энг яқин
пойтахт шаҳардир.

Тангри таолонинг хоҳиш-ирода-
си билан тарих ила бизнинг халқ-
ларимиз ака-укадек ҳамжихатлик-
да яшаб келишмоқда. Бундан буён
ҳам биродарлик ва дўстлик ришта-
лари доимо кенгайиб ва мустаҳкам-
ланиб боришини истаб қоламан.

Фурсатдан фойдаланиб, шуни ало-
ҳида айтиб ўтмоқчиманки, Ўзбеки-
стон ўтаётган йилда, баъзи бир қий-
инчиликларга қарамай, барча иқти-
содий ва иқтисодий жабҳаларда кат-
та-катта ютуқларга эришди. Айниқса
иқтисодиёт пойдеворини мустаҳкамла-
ш борасида ижобий натижалар
сечиларли бўлди, қолаверса кейин-
ги йилларда Тошкент шаҳри яна ҳам
гўзаллашиб чирой очди десам мубо-
лага бўлмайди, зеро Ўзбекистоннинг
барча муваффақиятлари авваламбор
пойтахт билан боғлиқдир.

Шубҳасиз, 2006 йилда ҳам сиз
бундан ҳам улкан ютуқларга эри-
шасиз, жонажон шаҳрингиз эса
янада мафтункор бўлиб, замонавий
мегаполис даражасидаги мавқеини
ошириб бораверади.

Янги йил ҳар бирингиз ва ҳар бир
оилага, барча ўзбекистонликларга
бахт олиб келсин.

Янги йил, янги бахт билан, азиз
дўстлар!

Анжуманлар

РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Жорий йилда тадбиркорлик субъектларини
қўллаб-қувватлаш, уларга кенг шароитлар яратиш
мақсадида Президентимизнинг қатор Фармон ва
Қарорлари эълон қилинганлиги барчамизга маълум.
Уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида шахри-
мизнинг барча туманларида бир қанча семинар-
йиғилишлар, тадбиркорлик субъектлари ўртасида
тушунтиришлар ўтказилиб келинмоқда.

Яқинда Яққасарой тумани ҳокимлигида ўтказилган
семинар- йиғилишлардан қўрилган натижалар ва
қилинган амалий ишларнинг таҳлилига бағишланган
тадбир бўлиб ўтди. Туманда жойлашган банклардан,
туман давлат санитария-эпидемиология назорати мар-
казидан ҳамда назорат қилувчи органлар фаолиятини
мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг Яққасарой
тумани ҳудудий комиссиясидан вакиллар ишти-
рок этган йиғилиши туман ҳокими Валижон Мулла-
жонов олиб борди.

—Маълумки, Юртбошимизнинг «Тадбиркорлик
субъектларини текширишни янада қисқартириш ва
унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари
тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Тадбиркорлик фаолиятини
юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш
ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш
тўғрисида»ги Қарори тадбиркорларга катта мадад
бўлгани барчага маълум. Эндилликда юқоридаги Фар-
мон ва Қарордан келиб чиқиб, жойларда бу борада
қандай ишлар амалга оширилаётганлигини назорат
қилишимиз ва бу борадаги ишларни яқши йўлга қўймо-
ғимиз лозим, —деди жумладан туман ҳокими.

Шунингдек, ўтказилган йиғилишда туман давлат са-
нитария- эпидемиология назорати марказининг фао-
лиятига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Маълум бўли-
шича, жорий йилда ушбу ташкилот томонидан 185 та
текширув ўтказилган бўлса, 2006 йилда бу текширув-
лар сони бирмунча камайтирилиб, 49 та объект тек-
ширилиши режалаштирилган.

Йиғилиш сўнггида Янги йилдаги режалар ва амалга
оширилиши лозим бўлган ишлар белгилаб олинди.
Озода РИХСИЕВА

Дискант, янгилик!

«ОЛТИН ВОДИЙ» ЧОРЛАЙДИ


Пойтахтимизда спорт-соғломлаштириш маркази иш бошлади. Унга аҳши ният билан «Олтин водий» деб ном берилди.

Биз одатда гўзал ва сўлим Фарғонани «Олтин водий»
деб атаймиз. Тошкентда ана шу рамзий маъно касб эт-
ган соғломлаштириш маскани очилгачи ҳам эътибор-
га сазовордир. Шаҳримиздаги «Чинобод» санаторийси-
га яқин ерда қад кўтарган бу марказда чинқиш маш-
қларини олиб бориш учун қўлайликлар муҳайё қилин-
ган. Сауна, сув ҳавзаси ҳам мунтазам ишлаб турибди.

Янги оромгоҳни бунёд этишда Самарқанд вилояти,
Пахтачи туманидаги агрофирма ҳамда «Олтин водий» фир-
маси хомийлик қилди.

Янги Ҳомийлар ва шифокорлар йили арафасида
амалга оширилган бу саъй-ҳаракат кўпчилики мамнун
этди.

Акбар АЛИЕВ




UZBEKTELECOM

TOSHKENT SHAHAR
TELEFON TARMOG'I FILIALI

азиз ватандошларимизни кириб келаётган

Янги – 2006 йил


*билан чин қалбдан табриклайди.
Яратувчанлик ишларингизда омад
ва зафарлар ёр бўлсин,
барчамизни меҳр-оқибат
тарк этмасин.
Оилангиз тинч, соғлигингиз
мустаҳкам бўлсин, эзгу ниятларингиз
ҳамиша амалга ошсин!*



АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ҲАМКАСБЛАР!

Кириб келаётган **ЯНГИ 2006 ЙИЛ**

**муборак бўлсин! Янги йил барчамизга омад,
бахт-саодат ва оиламизга фаровонлик
олиб келсин. Соғлиғимиз мустаҳкам
ва меҳнат фаолиятимиз
доимо муваффақиятларга тўлиқ бўлсин!**



*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг
касб-хунарга йўналтириш ва профилли меҳнат таълими
республика ихтисослаштирилган лицейи.*

Маъини масканларида

КЕЛАЖАКНИНГ ЁРҚИН ДАВОМЧИЛАРИ

Маълумки, Муस्ताқиллик эриганимиздан сўнг ватанимиз келажагини белгилувчи асосий куч — баркамол авлодни тарбиялаш масаласи муҳим мезонлардан бири бўлиб қолди. Президентимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, доно ва албатта бахтли бўлишлари керак» деб айтган гапларининг ўзи ҳам бу жараёни давлат аҳамияти даражасига кўтарилган муҳим масалалардан бири эканлигини белгилайди. Бугунги кунда юртимизда ўз мустақил фикрига, қарашларига эга бўлган ёш авлод етишиб чиқмоқда, уларни тўғри йўлга солиш, замонавий техника билан таъминлаш, ташаббус ва бунёдкорлик ишларини қўллаб-қувватлаш жоиздир. Кейинги йилларда таълим-тарбия соҳасида ҳам қўллаб-ўзгартириш амалга оширилмоқда. Мамлакатимизнинг истиқболи, бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуриш соҳасидаги ишларнинг самараси юқори малакали мутахассислар тайёрлаш билан чамбарчас боғлиқ.



Олий таълим соҳасида ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса келажакда мамлакатни юксак малакали мутахассислар билан таъминлаш имконини беради. Бу борада Тошкент Автомобиль йўллари институтига ҳам эътиборга молик ишлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Мазкур институт ўз йўналиши бўйича Ўрта Осиёда ягона ўқув маскани бўлиб 1972 йилда Тошкент Политехника институтини (ҳозирги Техника университети) қосидаги «Автомобиль йўллари» факультети асосида ташкил этилган. Ва айнан шу йилнинг 1 сен-

тябридан Тошкент автомобиль йўллари институтини номи остида ўз фаолиятини бошлади. Ўқув юрти бугунги кунгача 35000 нафар автомобиль транспорти ва йўл қурилиши соҳасига оид мутахассисларни тайёрлаб берди. Улар юртимиз равнақи ва истиқболли йўлида турли қорхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилмоқдалар. Ҳозирда институтда 3 та академик, 21 нафар фан докторлари, профессорлар, 121 та фан номзодлари ва малакали ўқитувчилар талабаларга сабоқ бериш билан бирга илмий излаш ишлар ҳам олиб бормоқдалар. — Маърифат — мангу ёниқ

аланга. У қалбларга олов, кўзларга зиё бағишлайди, — дейди институтнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори, фалсафа фанлари номзоди Дағар Расулов. — Маърифат — тафаккур ва онг сарчашмаси. У кишиларга ёмонликка нафрат, яхшиликка муҳаббат туйғусини бахшида этади. Зеро, улуг бобомиз Абдулла Авлоний ҳам: «Маърифатли халқ шижоатли бўлур. Шижоат қалбнинг матонатидан, руҳнинг саломатлигидан иборатдир. Маорифдан, фундундан ва маданиятдан маҳрум қолган халқ жаҳолат панжаларининг орасида ҳамир каби эзилгандек аъвофли заминидан ҳам нафсининг ёқсини бўшата олмас» деган эди. Дарҳақиқат, илм куч ва қувват манбаидир. Институтимизда эса талабаларнинг етарлича билим олишлари, ўз устидарига ишлаб, малакаларини оширишлари, илмий тадқиқот ишларини олиб боришлари учун барча шарт-шароитлар муҳассама. Ўқув муассасамизда 5 та факультет, аспирантура, магистратура бўлиmlлари, 29 та кафедралар, 17 та илмий-излаш гуруҳлари фаолият юритаяпти. 3200 нафар талабга 410 нафар иқтидорли ўқитувчилар таълим бermoқдалар. 400000 нусхали китобга эга бўлган кутубхонамиз ҳамisha китобхоналар билан гавжум. Истиқлол шарофати боис автомобиль соҳасига эътибор янада кучайди. Аска ва Самарқанд шаҳарларида қурилган энгил ва юк машиналари заводлари ривожда ҳам институтимиз жамоасининг роли бекиёсдир. Бизнес асосий вазифамиз ҳам, бурчимиз ҳам ёшларнинг етарлича билим олиб, иш ўрганишларига қаратилган. Жамият тараққиётида талабалар фикрини бир нуқтага жамлаб уларнинг иқтидор, истеъдод ва имкониятларини бир ўзгача солиб, умумий ривожланиш, юксалиш, асосий эса яхшилик ва эзгулик йўлига бошлаш муҳим аҳамият касб этади. Эртага Ўзбекистоннинг равнақи йўлида хизмат қилиш учун мустаҳкам иродали, мақсади йўлида эътиқоддан таймайдиган, Ватанинг қадрига ета билган, ўз тили, ўтмиши миллий қадриятлари билан фахрлана оладиган шахсигна мустақил Ўзбекистонимизнинг келажагини яратади. Биз устоз, ўқитувчилар бор кучимизни, билимимизни ана шу хайрли ишларга қаратганимиз.

Дарҳақиқат, Тошкент автомо-

биль йўллари институтига макташга сазовор бўлган ишлар анчагина. Жорий йилда узок йиллардан буён фаол хизмат қилиб ўз касбига садоқат билан ёнидошиб келаятган 2 нафар ўқитувчига институтда хизмат кўрсатган профессор, 4 нафарига институтда хизмат кўрсатган ходим унвонлари берилганлиги ҳам қувончлидир. Бундан ташқари маънавият ва маърифат йўналишида турли хил тадбирлар, ўрнатувлар ўтказиш ҳам анъанага айланган. Яқинда Маънавият кўни дастури асосида «Академик Юнус Ражабий сулолалари» мавзусида ўтказилган тадбир бунинг яққол мисолидир. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи асосида олий таълим муассасаларида Ахборот гуруҳлари ташкил этилганди. Жумладан Тошкент автомобиль йўллари институтига ҳам Ахборот гуруҳи ташкил этилиб, гуруҳ «Турли хабарларга тўғри фикрлар» шiori остида бир қанча максалларни ўз олдига вазифа қилиб олган. Ноябрь ойидан бошлаб иш бошлаган «Тафсилот» радиоси ҳам кундан кунга ўз мухлисларига эга бўлиб бораёпти. «Сиҳат-саломатлик йили» дастури асосида «Саломатлик — туман бойлик», «Соғлик — энг катта бойлик», «Соғлом танда соғ ақл», «Чекиш зарарли иллат» мавзуларида ўтказилган тадбирлар ҳам институтда маърифий ишларнинг яхши йўлга қўйилганидан далолатдир.

Институт чет мамлакатлар билан самарали ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. 450 нафар хорижий талабалар айнан шу институтни битирганлигини таъкидлаб ўтиш мумкин. Ўқитувчилардан А. Абдураҳмонов, А. Ҳақимовлар талабаларга сабоқ беришда тинмай изланиб, интиломоқдалар.

Ўқув йили бошида ташкил қилинган «Таклиф ва мулоҳазалар кутиси» ҳам ўқитувчиларни яна бир бор огоҳликка ва теранликка чорлаши кўзда тутилган. Айни кунларда эса Янги йилни муносиб тарзда нишонлаш учун институтда қизгин ишлар олиб боришмоқда. Ҳомийлар ва шифокорлар йилини ўзгача руҳ ва кайфиятда кутиб олиш учун қизиқарли байрам шоуси ўтказилиши режалаштирилган. Шунингдек, таътил кунларининг мазмунли ўтиши учун ҳам турли хил тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Биз мақоламиз якунида институт жамоасини кириб келаятган 2006 йил билан самийий табриклаб қоламиз. Усиб келаятган авлодни жисмонан соғлом ва маънавий жиҳатдан баркамол, илмли, изланувчан ва интилувчан қилиб тарбиялашда Тошкент автомобиль йўллари институтининг роли ўзига хос эканлигини яна бир бор таъкидлаб ўтиш баробарида, унда таълим олаётган талабалар юртимиз доврўгини етти климга таратишига ишониб қоламиз.

Гулчехра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: институт ҳаётидан лавҳалар.
Ҳақимжон Солихов олган суратлар.

2006 йилни иш

Ҳойида кутиб

олаётганлар

ШОДИЁНАНИ МЕХНАТ ПОСТИДА

Янги йил шодиёнасини албатта кўпчилигимиз оила даврасида, тўкин дастурхон атрофида нишонлаймиш. Лекин шундай соҳа ҳодимлари ҳам борки, кириб келаятган Янги йилни иш ҳойида қарши олишга, ҳамшиҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонлари хизматида шай туришга одатланишган. Ана шундайларнинг байрам кайфиятларини ҳам, дил сўзларини ҳам тинглаш ўзига яраша зақвли.

● Муассар КАРИМОВА, шифокор-гинеколог:

— Янги йил кириб келганда ҳаммамиз ўзимизнинг яна бир ёшга улгайганимизни ҳис этамиш. Лекин кутлуғ қадамлари билан кириб келаятган Янги йилни оиламизга қўшалоқ байрам тухфа этиб тузилган гўдак, янграган чакалоқ йиғисини эшитишдан ҳаяжонли дақиқалар билан қаршилаш энг масрур дамлар бўлса керак. Шу боис ҳам бу йилги байрамни туғруқхонада навбатчилик қилиб кутиб олишимдан сира хафа эмасман. Ахир илк бор гўдагини бағрига босаётган онанинг кўзидаги қувонч ёшлари, ота деган шарофли номга сазовор бўлиб ўзини еттинчи осмонда ҳис этаётган инсоннинг шодиликларига, оламга сиймас туйғуларига, қувончларига шерик бўлиш қандай яхши. Кириб келаятган — Ҳомийлар ва шифокорлар йилида жажжи чакалоқларимизнинг «инга»си оламини тугтсин.

● Абулқасим ҚОСИМОВ, ҳайдовчи:

— Шодиб турган йўловчиларни манзилларига ҳавф-хатарсиз, ўз вақтида етказиш асосий вазифамиз саналади. Бошқа кунлари майлику-я, лекин байрамда ана шу йўловчиларинингизнинг юзидаги қувонч, яхши кайфият, хуш муомала сизга ҳам кўтаринкилик бағишлайди. Ахир шундай кунларда хонадонига, дўстлари даврасига, ота-онаси, ёр-биродарлари қошига ошиқаятган инсонларнинг манзилини яқин, оғирини энгил қилиш сабоқ-ку. Шу боис бу йилги навбатчилик Янги йил кириб келишига тўғри келганидан сира афсусланмайман. Энг муҳими эса юзлаб, минглаб ҳамшиҳарларимизни ўз қадрдон гўшаларига элтиб қўяман. Янги йилда ҳам йўлларимиз равон бўлса, дилларимиз ҳамisha равшан бўлаверадди.

● Аҳмадали НИШОНОВ, алоқа ҳодими:

— Эски йилнинг сўнгги кўни бир байратимизга ўн гайрат қўшишига аминман. Чунки шу кўни иш ҳойимда навбатчилик қилиб, юртдошларимизга табриклар, ширин дил изхорлари, эзгу ниятларни етказишга муҳим ҳисса қўшаман. Албатта, бу билан кўпчиликнинг дилига қувонч, яхши кайфият бахш этилади. Узокдан туриб бўлса ҳам ўз яқинларининг табрикларини эшитиш, соғ-саломатликларидан хабардор бўлишга ҳисса қўшаман. Ана шундай хурсандчилигим боис Янги йилнинг қандай кириб келганини ҳам сезмай қолам. Лекин дилимда бир эзгу ният бўлади: Янги йилда юртимиз осмони мусафво, ватандошларимиз соғ-омон, бахтли-саодатли бўлишини.

ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИҚЛАРИ

● Аскар ЙЎЛДОШЕВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ҳодими, «Меҳнат шухрати» ордени соҳиб:

— Эски йилни кўзатар эканмиз, барчамизнинг дилимизда янги йил уйлари, орзу-хаваслари бўлади. 2005 йил бўсағасидаги ниятларим амалга ошди. Каттарона меҳнатларимни ҳисобга олиниб, «Меҳнат шухрати» ордени билан тақдирландим. Шу боис ҳам ўтаётган йил мен учун омадли қолди.

— 2006 йилда эса барчага ана шундай омадлар ёр бўлишини истаймман. Янги йил юртдошларимга кутлуғ келсин, қўзлаган энг яхши ниятлари ижобат бўлсин.

● Зухра АЛИЕВА, «Асбобоз» қорхонаси ишчиси, «Дўстлик» ордени соҳибаси:

— 30 йилдан буён мана шу қадрдон жамоада меҳнат қилар эканман, сидқиқдиган ишлашга, ҳамкасбларимдан ортда қолмасликка интиляман, қорхона ривожига оғина бўлса-да уллу қўшаётганимдан мамнунман. Ҳар йили бошланаётган Янги йилдан омад кутаман, яхши ниятлар қиламан.

Не бахтки, мен кутган омад 2005 йилда ҳаётимда унутилмас из қолдирди. Муस्ताқиллигимизнинг 14 йиллиги арафасида муқофотланганлар қаторида менинг ҳам номим қайд этилганидан беҳад бахтиёрман. Мана шу бахтиёрлик шукуҳи билан кутлуғ йилни кўзатар эканман, 2006 йилда қадрли юртдошларимга бахт-саодат ва улкан зафарлар ёр бўлишини ният қиламан. Ҳар бир хонадонга

файзу барака тилаймман.

● Мамлакат РАФИҚОВА, «Охунбобоев номи бош кийимлар фабрикаси» масъулияти чекланган жамияти тикувчиси, «Шухрат» медал соҳибаси:

— Қилган меҳнатларинг зое кетмаса, қадр топса бошинг қўкка етили, шубҳасиз. Мен ҳам ўтаётган йилдан миннатдорманки, у менинг меҳнатим баҳосини берди, катта муқофотга сазовор эгди. 30 йилдан буён тикувчилик касбини эъзолаб, ўзим ҳам эъзо топдим. Ушбу эъзо мени янада самарали меҳнат қилишга ундамоқда.

Ушбу сурури лаҳзаларда ўтаётган йилдан беҳад фахрланган холда Янги йилнинг барча ватандошларимизга омадли келишини, орзулари рўёб бўлишини тилаймман. Иқтисодиётимиз ривож топиб, халқимиз фаровонлиги зиёда бўлсин.

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ САВДО,
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ВА ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ
МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ**

*Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган
савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат
кўрсатиш корхоналари жамоаларини, қадрли
юртдошларимизни кириб келаётган*

Янги — 2006 йил

билан чин қалбдан қутлайди.

Ҳамшаҳарларимиз ва шаҳримиз меҳмонлари
дастурхонини тўкин этиш, намунали хизмат
кўрсатиш, хуш байрам кайфияти улашишдаги
эзгу ишларида муваффақиятлар тилайди.

Барчангизга кириб келаётган
Янги йил — Бахт ва омад йили
бўлсин, қалбларингизга
саховат уруғини сочиб,
ундан инсонларни
бахраманд этсин!

*Байрам кунлари
хизматингизга
тайёрмиз!*



ҚАДРЛИ ҲАМЖОРТЛАРИМИЗ ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!!!

БАРЧАНГИЗНИ КИРИБ КЕЛАЁТГАН

Янги — 2006 йил

**БИЛАН ТАБРИКЛАЙМИЗ. УШБУ ШОДИЁНА КУНЛАРАДА СИЗЛАРГА
МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ, ОИЛАВИЙ БАХТ, ИШЛАРИНГИЗДА МУВАФФАҚИЯТЛАР ТИЛАЙМИЗ.**

**Янги йил қутлуғ қадамларидан бахт, шодлик ва омад олиб келсин!
ВАТАНИМИЗ ОСМОНИ МУСАФФО БЎЛСИН, САНЪАТИМИЗ ДОВРУҒИ ЕТТИ ИҚЛИМГА
ТАРАЛАВЕРСИН. ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ДАСТУРХОНИМИЗ ТЎКИН БЎЛСИН.**

Янги йил муборак, азизлар!!!



**АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!
«ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ»
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ
ЖАМОАСИ ШУКУХ
ВА ТАРОВАТ ИЛА
КИРИБ КЕЛАЁТГАН**



ЯНГИ 2006 ЙИЛ

**билан Сизларни самимий қутлайди.
Ҳомийлар ва шифокорлар
йилида барча ишларингизда омад,
оилангизга фаровонлик
ва бахт-саодат ёр бўлсин!
Янги 2006 йил ҳаётингизда ёрқин
саҳифаларни очишига тилакдошимиз.**



ЯНГИ ЙИЛ АРЧАСИ СИЗНИ КУТМОҚДА

Бугунги кунда шаҳримизнинг қай гўшасига қараманг, байрамона кайфият, кўтаринкиликнинг гувоҳи бўласиз. Шунингдек, байрамга хос безатилган арчаларнинг кўзни қамаштиргудек ял-ял ёнган чироқлари сизга янада хуш кайфият бағишлаши табиий. Ёшу кексага бирдек ёлқан безатилган яшил либос арчалар ҳозирда сайилгоҳларда, кўнгилочар боғларда савлат тўкиб жажжи кичкинтойларимиз завқига завқ қўшмоқда.

Кириб келаётган Янги йил байрамини муносиб кутиб олиш мақсадида Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси томонидан Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида, Мирзо Улуғбек ёдгорлиги мажмуасида, «Авиасозлар» маданият саройида, Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида ҳамда «Наврўз» мажмуасида Янги йил арчаси ўрнатилиб, туман маданият уйлари жамоалари вакиллари раҳиб саҳнавий чиқишлари намойиш этилмоқда.

2005 йил 20 декабрдан 2006 йил 10 январгача ҳар куни соат 10.00дан кеч соат 20.00 гача давом этувчи ушбу байрам томошалари айниқса кечга яқин янада қизиқарли тўс олади. Сайилгоҳларда ҳар бир кишини илиқ табассум билан кутиб олаётган Қорқобо ва Қорқизлар, эртақ қахрамонларининг хатти-ҳаракатлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Юртдошларимизнинг байрамона кўтаринкиликка шерик бўлиш мақсадида шаҳримиздаги муҳташам «Наврўз» мажмуасида ўрнатиладган Янги йил арчаси томон йўл олдиқ. Ҳар йилгидан кўра бу йил бошқача кайфият ва маҳорат билан безатилган «Наврўз» мажмуасига қадам қўйган киши ўзини худ-

ди эртақлар оламига тушиб қолгандек ҳис қилиши, шубҳасиз. Уша эртақдаги жодугарнинг кулбаси, бўри, айиқполвон, тулкивийлар киефасида юрган ҳам-

томонидан турли хил миллий ўйинлар намойиш этилмоқда. Шунингдек, байрам майдонида «Ўзбекракс», «Ўзбектеатр» уюшмаларининг Янги йил дастурлари йиғилганларда илиқ таассурот қолдирмоқда.

«Ўзбекнаво» ёш эстрада хонандаларининг чиқишлари, ашула ва концерт намойишларидан барча бирдек мамнун бўлмоқда. Айниқса халқ циркининг дор ўйинлари, масҳарабозларнинг кулгуга йўғрилган хатти-ҳаракатлари ёшу кексага кулгу улашмоқда.

— Мана Янги йил айёми сабабли бир неча кундан буён давом этаётган байрамга мактабимиз ўқувчиларини олиб келдик, — дейди жумладан Миробод туманидаги 110-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Васила Шарипова. — Эътибор берган бўлсангиз уларнинг ҳар бири юзида шодлик, қувонч, болаларга хос ҳайрат акс этганлигини кўрасиз. Ҳар бир байрам аслида болажонлар билан гўзал. Шундай экан, ҳақиқий байрам ҳиссини олиш мақсадида бу ерга ўқувчиларимизни олиб келдик. Тилагим, қириб келаётган 2006 — Ҳомийлар ва шифокорлар йили барчамизнинг хонадонимизга бахт, шодлик, соғлиқ олиб келсин.

Орузгул РУСТАМОВА



шаҳарларимиз кичкинтойларимиз хайратини оширмоқда.

Ушбу мажмуада яратилган 25 метрли арча ўйинчоқларининг турли рангда товланиб ял-ял ёнишида «Тошшаҳарнур» давлат унитар корхонаси ходимларининг ҳиссаси катта эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Бу байрамона безатилган мажмуада қизиқарли дастурлар билан биргаликда спортчилар

Байрам дастурхонининг тўқин бўлиши, кўнгилдагидек хизматнинг ташкил этилиши, Янги йил арчаларининг файзли ўтишида, албатта Тошкент шаҳар ҳокимлиги Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаментида белгиланган ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар катта аҳамият касб этади.

Хизмат

«ЯНГИ ЙИЛ БОЗОРИДА» БАЙРАМ САВДОСИ

— Пойтахтимиз аҳолиси ва шаҳримизга шодиёна кунларда ташриф буюрган азиз меҳмонларга намунали савдо ва умумий оқатланиш хизматларини кўрсатиш учун ана шу чора-тадбирлар режаси муваффақиятли адо этилмоқда, — дейди департамент бошлиғи Равшан Абдураҳимов. — Шаҳримиз туманларида жорий йил ноябрь ойи сўнгидан бошланган вилоятлардан келтирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилувчи сайёр савдо Янги йилнинг 10 январигача давом этиб, аҳоли гавжум жойларда ташкил этилмоқда. Шунингдек, шаҳримизнинг кўплаб маҳаллаларида ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўчма савдоси ташкил этилган бўлиб, байрам дастурхони учун маҳсулотлар сотилмоқда.

«Наврўз» мажмуаси, «Авиасозлар саройи» майдони, Бобур, А.Қодирий номли ва бошқа истироҳат боғларида Янги йил байрам савдолари ташкил этилмоқда. «Наврўз» мажмуасида Янги йил услубида байрамона жиҳозланган 24 та савдо шохобчаси аҳолига хизмат

кўрсатмоқда ва ушбу расталарда 10 январгача «Янги йил бозорида» деб номланган савдолар уюштирилиб, болалар совгалари, ширинликлар, пиширилган, ўйинчоқлар, салқин ичимлик, музқаймоқ ва бошқа керакли маҳсулотлар ташриф буюрувчиларга тортиқ этилмоқда. Шаҳримиздаги барча савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида Янги йил тараддуди қизгин олиб борилди. Нафақат байрамона безаклар, балки шодиёна дастурхонига файз бағишловчи турли хил маҳсулотлар харидорларни мамнун этиши, шубҳасиз.

Қутлуғ байрам арафаси — 30, 31 декабрь кунлари ҳамшаҳарларимизга қулайлик яратиш мақсадида пойтахтимиздаги озик-овқат ва санюат моллари дўконларининг иш кунлари соат 22⁰⁰ га қадар узайтирилди. Умумий оқатланиш корхоналари—ресторан ва қаҳвахоналарда ташкилот ва корхоналар, фуқаролар байрам тадбирларини ўтказишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган.

Дилноза СОДИҚОВА

Янги йил мушоираси

ЭЙ ҲОТАМТОЙ ЕЛКАДОШ...

Эй, Хотамтой елкадош,
Эзгуликка бошу қош,
Қалби кенг, бағри кўёш,
Авалло бўл соғ, бардам,
Эл қорига шай ҳар дам!

Меҳр-шафқат йўлида,
Қадр-қиммат йўлида.
Яхши ният йўлида,
Қадрингни тут тик, бардам.
Фовларни сур тез, илдам!

Шифокорга эътибор,
Фидокорга эътибор.
Бир беморга эътибор
Борасида сен ҳар дам,
Мардонавор бос қадам!

Олай десанг ҳамиша
Олай мақом, қасб, пеша:
Ҳомий, саҳоватпеша,
Эл дардига бўл малҳам,
Ўз аҳдингда тур маҳкам!

Элга берсанг бир танга,
Аллоҳ берар дур санга,
Умрбод ҳузур санга!
Сахий, хотам бўлмас кам,
Азиз боши бўлмас ҳам!

Берар бўлса ўнг қўлинг,
Сезмасин ҳеч чап, сўлинг!
Кенгадир тор йўлинг,
Сен бу йўлда юр шахдам,
Кўриб турар бир Эгам!

Очиқ бўлса қўлинг гар,
Сочиқ ризқинг ҳар сафар,
Кучадирсан шон, зафар,
Ҳиммат қўлинг чўз ҳар дам,
Эл-юртинга бўл ҳамдам!

Яхшидан боғ қолади,
Ёмондан доғ қолади,
Нолаю, оҳ қолади,
Искандаро сен ҳар дам,
Шуни ўйлаб сур қалам.

Искандар РАҲМОН ЭЗГУ ТИЛАК

Уч юз олтмиш беш кун—айтишга осон!
Она сайёрамиз шунча айланмиш.
Фақат сукунатда бепоён осмон—
Жамики мавжудот унга бойланмиш.
Қат-қат само узра нур сочар Офтоб:
Илоҳий қудратга баҳси айлар Ҳаёт!
Ҳатто сайқал топар нур сочар Моҳтоб
Барига мушарраф инсон деган зот!

Табиат нақадар сулув—гўзалдир
Мўъжиза сеҳрида сирлар яширин...
Қадрига етмасак—бизлар ўсалдир,
Гўзаллик туфайли ҳаёт ҳам ширин!

Тотли умримизнинг пойдевори—меҳнат:
Фақат ул туфайли яшнар табиат.
Инсон заковатга яратар зийнат,
Агар холис бўлса—ушалар ният!

Болари сингари бўлсак заҳматқаш:
Оламни, одамни безарди чирой.
Утган бир йилмиз асрга туташ—
Агар топа олсак биз ҳаётдан жой!

Умримиз китобин янги варағин
Аста очмоқдамиз сарҳисоб билан.
Эзгулик—умримиз бўлсин чароғи,
Дўстларим! Қутлайман Бахт талаб дилдан!
Абдуманноб ТОЖИЕВ

ИНСОНЛАР БАХТЛИ БЎЛСИН

Бахт талабгор инсонлар бахтли
бўлсин янги йилда,
Сустлашиб қолган ишлар ривож топсин
янги йилда,
Шифо талаб одамларнинг танига
шифо кўнсин,
Дил бериб севишганлар аҳдли бўлсин
янги йилда.

Бу йил апалди "Ҳомийлар , шифокорлар"
йили деб
Ул азизлар саҳоватда элиниг жону дили деб,
Саҳовату фидокорлик халқимизнинг ҳислати,
Демакки, икки мишг олти бўлур элга кўрку зеб.

Янги йилда яхши ният, орзу сўзсиз ушалсин,
Муборак йилнинг пойига нур
поёндоз тўшалсин.
Йилнинг гўзал бўлиши эл меҳрига боғлиқдир.
Поклик билан ният қилиб ҳиммат
дасти ушалсин.

Ҳар тошини дур билиб биз
мамлакатни асрасак,
Юрти озод инсонларда ерда қолмайди тилак.
Ичи қора галамислар аҳилликдан лол қолсин,
Ҳайдар, йилнинг зийнат бўлсин,
элга тинчлик, тўй бўлсин.
Ҳайлар МУҲАММАД

Қадрли ҳамшаҳарлар !

Сиз азизларни кириб келаётган

Янги ~ 2006 йил

Ҳомийлар ва шифокорлар йили
билан самимий муборакбод этамиз.

Оиламизга тинчлик-тойувлик, бахт ва омад, соғлиқ-
саломатлик ҳамроҳ бўлишни тилаймиз.

Янги йилда орзу-қиллар, эзгу ниятлар
амалга ошсин.

Хонадонларингиздан ҳалима бахтли
қаллар ариласин

«ГУЗАРСЕРВИС»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ

Боке

ЧЕМПИОНЛАР ШОҲСУПА ТҮРИДА

Бу гагга боке бўйича мамлакат чемпионатининг ҳаяжонли баҳслари «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуасида бўлиб ўтди. Уч кун давомида мусобакаларда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган 170 нафар чарм қўлқоп усталари ўн та вази тоифасида голибларни аниқлаш учун кураш олиб боришди.

Ташкилий томондан юқори даражада ўтган мусобакаларнинг финал беллашувлари айниқса муҳлисларда катта қизиқиш уйғотди. Шуни таъкидлаш жоизки, чемпионлар рўйхатиға назар ташлар эканмиз, улар республикамизнинг турли вилоятларининг вакиллари эканлигининг гувоҳи бўлади. Жумладан, 48 килограммгача бўлган энг энгил вазида бухоролик С.Файзиев, кейинги вази тоифасида Жиззах вилояти вакили К.Қосимов, 54 килограммликлар ўртасида республика Олимпия заҳиралари коллежидан О.Шоимов, 57 килограммликлар баҳсида А.Улугов (Навоий) ҳурмат шоҳрусидининг энг юқори погонасидан жой олдилар.

Колган вазида эса Ж.Сувокулов (Жиззах), Т.Абдуллақимов (Жиззах), А.Краблев (Қорақалпоғистон Республикаси), Э.Расулов (Фарғона), Д.Обиджонов (Тошкент шаҳри), А.Муралимов (Тошкент вилояти), Р.Саидов (пойтахт вилояти)

Ҳамда Жиззах вилояти вакиллари энг яхши натижаларни кўрсатишди. Ҳамшаҳарларимиздан О.Назаров, Б.Паёзов, З.Ортиқов, Б.Қўзиев, У.Тожиєвлар бронза нишонларини қўлга киритишди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Тошкент шаҳар боке федерацияси республи-

камиз чарм қўлқопи ривожига улкан ҳисса қўшган фахрий спортчи ва мураббийлар учун махсус совғалар таъсис этиди. Ишқибозларнинг олқишлари остида совғалар Руфат Рижиев, Боту Газиев, Борис Гранаткин, Урозбой Султонов, Станислав Бугаев, Саидр Шомасхутов, Хамидулла Фозиев, Александр Цой, Қўлдош Тожиєв, Мирҳасан Каримов, Алишер Рижиев, Ботир Ҳасанов, Илғор Эгамбердиев, Абдулла Қодирхонов, Темур Гуломов, Владимир Кренников, Ринат Тришев, Шокир Зокировка топширилди.

Голиб ва соғирдорлар, энг кучли боксчилар эса қўллаб махсус совғилар билан тақдирланди. Хусусан, «Галабага бўлган интилиши учун», «Техник жиҳатдан энг кучли боксчи», «Ўзбекистон бокеи ривожига қўшган ҳиссаси учун» каби совғилар уз эгаларини топди.

(Ўз муҳбиримиз)

СУРАТДА: турнирдан лавҳа.

Михаил Якубов олган сурат



Жиззах вилояти вакиллари энг яхши натижаларни кўрсатишди. Ҳамшаҳарларимиздан О.Назаров, Б.Паёзов, З.Ортиқов, Б.Қўзиев, У.Тожиєвлар бронза нишонларини қўлга киритишди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Тошкент шаҳар боке федерацияси республи-

Мунажжам башорати

ЎЙНАБ-КУЛИНГ, ХУРСАНДЧИЛИК ҚИЛИНГ

31 ДЕКАБРЬ, ШАНБА

Кириб келаётган Янги йилнинг билан, азизлар! Фақат хурсандчилик, ўйин-кулгини ўйланг — зеро, шунда бутун йилнингиз ана шундай файзли ўтади.

Хайрлашаётган йилнингизнинг сўнги куни шуни истаганларнинг барчасига ўзининг сеҳрли имкониятларини очиб ташлайди. Зеро, бугун нафақат Янги йил арафаси, балки янги ой чиқадиган кун ҳам. Бу шундан далолат берадики, ярим тунни кутиб ўтирмай, эрталабданок янги ҳаётни бошлаб юбориши мумкин. Тошкент вақти билан 04.12 дан 06.20 гача ҳар қандай истақларингиз рўёбга чиқиши учун ажойиб имкониятлар бўлади.

Янги йил кечасидаги тушларингиз, айниқса осмон, юлдузлар ёки қалмақ рангларини қўришингиз яхшиликка. Аммо тушда меваларни қўриш, олма ейиш ёки сувда чўмилиш кўз ёшларни ва ташвишлар алوماتидир.

Бугун ичак йўллари, жигар ва қораталоқ хасталикларга мойил бўлади. Ҳатто янги ва сифатли озиқ-овқатлардан ҳам заҳарланиш хавфи бор. Овқат тановулини камайитиришга ҳаракат қилинг. Кўпроқ суякни ичиб, қатиқ истеъмол қилишингиз мумкин.

АРАФА МАСЛАҲАТЛАРИ:

- ортда қолаётган йилни кўнглингизга ёққан тарзда кузатиш;
- ёрқин, кўзга ташланиб турадиган гайриоддий кийиниш, имкони бўлса ва ўзингизни қулай сезсангиз янги кийим кийиш;
- қиёфанингиз таниб бўлмаган даражада ўзгартириб, яқинларингизни хайратда қолдириш;
- ўзингиз учун одатий бўлган тарзда байрамни нишонлаш: уйда арча байрами уюштириш, меҳмондорчиликка, ресторанга бориш;
- Телевизор экрани қаршисида кўп ўтириш, Янги йилни ёлғиз кутиб олиш, сизга салбий таъсир этадиган кишилар даврасида бўлишдан ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Мана, 2005 йил ҳам ортда қолди. Ҳаётнинг ўз ритми, ўз мантики бор. Қадимги файласуфлар уни қонинот ҳукмдори деб тавсифлашган. Ушбу ритиларга ҳамоҳанг бўлиб олиш ҳар бир инсон учун катта бахтдир.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

«ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ»

Сизларни «ESKI JO'VA DEHQON BOZORI» очик акциядорлик жамияти томонидан тақдим этилган объектлар бўйича биржа савдоларига таклиф этади

<p>Биржа савдоларига 2005 йил 30 декабрдан бошлаб, «ESKI JO'VA DEHQON BOZORI» очик акциядорлик жамияти ҳудудидаги ТИМ-2 савдо мажмуасида жойлашган кўйдаги 38 (ўттиз саккиз) та савдо дўконлари кўйилди:</p> <p>Умумий майдонлари 31,36 кв.метрдан бўлган 14 (ун тўртта) савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 24 828 423,62 сўмдан.</p>	<p>Умумий майдонлари 31,36 кв.метрдан бўлган 14 (ун тўртта) савдо дўкони шийони билан, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 28 139 767,86 сўмдан.</p> <p>Умумий майдонлари 64,24 кв.метрдан бўлган 2 (иккита) савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 56 252 703,25 сўмдан.</p> <p>Умумий майдонлари 64,97 кв.метрдан бўлган 2 (иккита) савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 56 950 980,37 сўмдан.</p>	<p>Умумий майдонлари 65,88 кв.метрдан бўлган 2 (иккита) савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 57 820 284,22 сўмдан.</p> <p>Умумий майдонлари 40,60 кв.метрдан бўлган 2 (иккита) савдо дўкони шийони билан, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 36 971 425,82 сўмдан.</p> <p>Умумий майдонлари 40,60 кв.метрдан бўлган 2 (иккита) савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 33 659 497,58 сўмдан.</p>
--	--	--

Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунинида соат 11.00 дан 12.00 гача ҳамда 16.00 дан 17.00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Биржа савдоларида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан кўйдаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
 Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй, 402-хона. Телефон: 132-25-51, факс: 133-20-74

“ЭСКИ ЖЎВА” ДЕҲҚОН БОЗОРИ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Хабар тартиб рақами 07.
 Жамият Кузатув кенгашининг 2005 йил 16 декабрь куни ўтказилган йиғилиш қарорига биноан умумий мажлисда қатнашиш ҳуқуқиға эга бўлган акциядорлар реестри 2005 йил 19 декабрь ҳолати билан ёпилган.

Хабар тартиб рақами 09.
 Акционерларнинг навбатдан ташқари умумий мажлисини ўтказиш тўғрисида.

Умумий мажлисини ўтказиш вақти: 2005 йил 29 декабрь.

Умумий мажлис ўтказиш манзили: Шайхонтоҳур тумани, Бозор майдони, 28-уй.

Умумий мажлисда қатнашганлар 387263 овозга эга.

11 нафар акционер.

Қворум 93,15.

1. Жамият ҳудудида қуриб битказилган «ТИМ-2» савдо мажмуасидаги дўконлар бўйича Тошкент шаҳар ҳокими А.Х.Тўхтаев раислигида 2005 йил 20 сентябрда ўтказилган № 01Б-173 сонли йиғилиш баёни қарори маълумот учун қабул қилинсин ва савдо дўконларининг «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази» орқали биржа савдоларига чиқарилиши 386763 та овоз билан тасдиқлансин.

2. «ТИМ-2» савдо мажмуасидаги 38 та савдо дўконларининг биржа савдоларидаги сотилиш баҳолари ҳолис баҳоловчи ташкилот «WIND OF TIME» МЧЖнинг 2005 йил 28 ноябрдаги 1/131-сонли ҳисоботини ба иловасига мувофиқ берилган нарх асосида сотилсин.

3. «ТИМ-2» савдо мажмуасидаги 38 та савдо дўконларининг сотилишидан тушадиган пул маблағлари биринчи навбатда дўконларнинг қурилиши учун олинган банк кредити ва унинг фоизини, жамиятнинг пудратчи ташкилот «Мухлиса киз» МЧЖ олдидаги қарзини ва бошқа қилинган харажатларни қоплаш учун йўналтирилсин ва ушбу вазифаларни ҳисобини юритиш жамият раҳбари ҳамда бош ҳисобчисига юклатилсин.

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ

Тошкент Давлат цирки 2005 йил 28 декабрдан бошлаб 2006 йил 10 январга қадар БОЛАЖОНЛАР, СИЗААР УЧУНИ Мақтаб ўқувчиларининг қишқи таътил кунларига Тошкент цирки манежиға

«КУВНОҚ САЁХАТ ЁКИ ЯЛМОФИЗ КАМПИР ҚАРШИ» ЭРТАК-САРГУЗАШТИ

Томошалар: 28, 29, 30, 31 декабрда соат 12.00, 14.00, 16.00 да; 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 январда соат 10.00, 12.00, 14.00 ва 16.00 да бошланади. Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилмоқда.

Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин. Касса эрталабқи соат 9.00 дан ишлайди.

Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.

«Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси жамоаси, бошқарув расисининг ёрдамчиси Зиёвитдин Йўлдошевчи Тулагановға падари бузруквори **Йўлдош ота ТУЛАГАНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади

«Toshkent shahar yol qurilish va tamirlash tresti» ОАЖ меҳнат жамоаси бош директор ўринбосари Абилқосим Нозимовчи Маҳмудовға волидаи муҳтарамаси **МАМЛАКАТ** янинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»

акциядорлик компанияси

кириб келаётган

Янги — 2006

йил билан

пойтахтимиз аҳли

ва шаҳримиз

меҳмонларини самимий

муборакбод этади!

*Мустақил юртимизда тинчлик,
барқарорлик ҳукм суриши, мамлакатимиз
пойтахтининг том маънода Шарқ
машъалига айланишини тилаймиз.*

*Янги йил барчамизнинг ҳонадонимизга
тўкинлик, қут-барока олиб келсин.*

*Сажоватли ҳомийларимиз ҳам
омон бўлишсин.*

**«Матбуот тарқатувчи» АК —
доимо хизматингизга тайёр.**



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-21-56

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида
босилади.
4973 нускада босилади. Қўғоқ бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида I-рақам
билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўраткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги
почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05
телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терибли ва саҳифланиди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.